

Диний таълим ислоҳига бел боғлаб...



15:38 / 02.07.2024 2625

1980 йили Муҳаммад Содиқ Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари идорасида ишлаш учун ариза топшириб, меҳнат фаолиятини шу даргоҳнинг ташқи ишлар бўлимида, таржимон сифатида бошлади. Мусулмон давлатлардан ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиш ва уларга таржимонлик қилиб, ҳамроҳ бўлиш ишлари асосан унга топшириладиган бўлди.

Суриянинг ўша пайтдаги бош муфтийси Аҳмад Куфтару Собик Иттифоқ мусулмон давлатларига тез-тез ташриф буюриб турар, унга эса ҳар сафар Муҳаммад Содиқ ҳамроҳлик қиларди. Шу боис ўртада ўзгача меҳр, яқинлик пайдо бўлган эди. Сафарларнинг бирида Аҳмад Куфтаруда Муҳаммад Содиқдек илмли фарзандни тарбия қилган отани кўриш истаги пайдо бўлади. Суриялик машҳур уламо Муҳаммад Юсуф домланинг хонадонида

меҳмон бўлиб, у киши билан танишиб, қадрдон биродарга айланди.

Собиқ Иттифоқ даврида кескин назорат ва тазйиқ остида қолган диний таълимни жонлантириш деярли имконсиз эди. Аммо Маъҳадда илмий мудирлик лавозимида иш бошлаган ёш Муҳаммад Содик юртимиздаги исломий таълим тизимини ислоҳ қилишга жиддий бел боғлайди. Ўша пайтдаги давлат масъулларига ҳолатни тушунтириб, улумул Қуръон, тафсир, ақийда, нотиқлик санъати каби бир неча фанларни ўқув дастурига киритишга муваффақ бўлди, Олий Маъҳад тарихида янги даврни бошлаб берди. Маъҳадда таълимнинг сифат жиҳатидан юксалиши ўз навбатида бошқа диний таълим муассасаларига ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Бу хайрли ишларда ўша пайтда диний кенгаш раиси лавозимида ишлаган Ўзбек Аъзамович Рустамовнинг ҳам ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Шайх ҳазратларида илм таҳсил олган Салоҳиддин домла Шарипов қуйидагиларни айтиб берган эдилар:

«Ҳазрат бизга тўрт йил давомида учта фандан – тафсир, улумул Қуръон ва хатобадан дарс ўтганлар. Муҳаммад Али Собунийнинг тафсирларини Ўзбекистонда дарслик сифатида олиб кирганлар. Синфимиз кўп миллатли эди. Устоз дарсни ўтиб бўлгач, «Ким тушунмади?» деб сўрардилар. Мавзуни яхши тушунмаган талабалар бемалол «тушунмадим» дея оларди. Шундан сўнг Ҳазрат ўша талабанинг имкониятига қараб, арабча, русча ёки ўзбек тилида қайта сўзма-сўз тушунтириб берар эдилар. Талабанинг ҳақиқага хиёнат бўлиб қолмасди».

Шайх ҳазратларига шогирд бўлиш бахтидан бенасиб қолмаган Болгария дин масалалари бўйича Ҳуқуқ ва эркинлик ҳаракатининг вице-президенти Али Иброҳим Маҳмуд талабалик йилларини эслайди:

«Устознинг бир одатлари бор эди: аввало талаба Қуръондан ёддан айтиб бериши керак эди. Бир куни бир талабадан сўрагандилар, билмади. Иккинчи, учинчи талабалар ҳам жавоб бера олишмади, жаҳллари чиқди. Жаҳллари чиққани юриш-туришларидан билинмасди, бақириб-чақирмасдилар. Лекин «Бу қанақаси?! Одамлар бу ерга кира олмай жони ҳалак (чунки бу ерга бор-йўғи ўн нафар талаба қабул қилинарди). Сизлар эса шу ерда ўтириб, энг муҳим нарсани ҳам ёдламабсизлар», дедилар. Бу гап бизга шунчалик оғир ботдики, шундан кейин бир-биримиз билан уч кунгача гаплашмай юрганмиз».

«Ўқиш пайтида ҳар хил вазиятлар бўлар эди, – дейди Ҳазратнинг яна бир шогирди, Шимолий Кавказ мусулмонларининг мувофиқлаштириш маркази раиси Исмоил Бердиев. – Масалан, танаффусда волейбол ўйнар эдик. Бўйларимиз деярли тенг эди, балки мендан бироз баландроқ бўлишлари ҳам мумкин. У кишининг ёнларига туриб олсам, «Йўқ, сен нариги томонга ўт», дер эдилар. Тўпни мендан ўтказиб юборсалар, хурсанд бўлиб кетар эдилар. Менинг ҳалол ўйнашимни истар эдилар. Атайлаб ютқазмоқчи бўлсам, дарҳол сезиб қолар эдилар, бу у кишига ёқмас эди. Ана шундай тўғри, ҳалол инсон эдилар».

Ғайрат-шижоати, илмий салоҳияти билан ажралиб турган Муҳаммад Содик Тошкент Ислом Олий маъҳадининг илмий мудирини бўлди, икки йилдан сўнг эса маъҳад ректори лавозимига тайинланди.

(Давоми бор)

«Ҳилол» журнали 7(40) сон